



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (12.662)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

КИТОБ — МАНГУ ҲАМРОҲ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ўздавкитобсавдотаминоти» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтимиз, Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида ташкил этилган тадбирлар халқимизнинг китобни муқаддас санаш, асраб-авайлаб, келгуси авлодларга мерос қолдириш билан боғлиқ эзгу ғазилатлари бардавом эканлигидан далолатдир.

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, айниқса, юксак маънавият ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказиш, уларнинг қалбига юртга садоқат, миллий ва умуминсоний ғояларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кучайтиришда китоб беқиёс восита бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Мамлакатимизда «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида бошланган анъанавий республика Китоб байрами маънавият ва маърифат байрамига айланди.

Инсонни камолотга қорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз ғоялар ўртасидаги азалий кураш бугун ҳар қачонгидан да кескинлашиб, ёшларнинг онгу қалбига чуқур акс-садо бермоқда. Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзimas бўлиб туоландиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Ушбу жараёнда ёшларнинг ахборотга бўлган эътиёбини аждоқлардан мерос умуминсоний ғояларга тўйинган, мағзи тўқ маъломотлар билан қондириш, уларни онг ва тафаккурни тарбияловчи адабиётга ошно этиш долзарб аҳамиятга эга. Мазкур маънавий-маърифий тадбирдан қўзланган асосий мақсад ҳам ўғил-қизларнинг миллий адабиётимизга қизиқишини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилгандир.

Китоб байрамида мамлакатимизда фаолият юритаётган

нашриёт ва матбаа корхоналарининг янги китоб маҳсулотлари, нуфузли қўзғалғин китоб кўргазмаларида соҳирлиқ ўринларини олган асарлар, Соғлом бола йилига бағишланган наشرлар жой олган.

Мамлакатимизда юздан зиёд нашриёт, турли ташкилот ва муассасалар ҳузурида эллика яқин ноширлик бўлими фаолият юритмоқда. Мустақилликка қадам юртимизда атиги 9 нашриёт бўлганини эътиборга олсак, истиклол йилларида бу соҳа нечоғли жадал тараққий этаётгани, аҳолининг китобга бўлган эътибори ва эътиёжи йилдан йилга ошиб бораётганини англаш қийин эмас. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда 149 матбаа корхонаси иш юритган бўлса, бугун уларнинг умумий сони бир минг етти юздан ошади. Нашриётларимиз томонидан ҳар йили икки мингдан ортиқ номдаги адабиётлар қирқ миллиондан зиёд нусхада нашр этилмоқда. Нашриётларимиз маҳсулотлари Германия, Хитой, Россия ва бошқа қатор давлатларда ўтган халқаро китоб ярмаркаларида соҳирлиқ ўринларга сазовор бўлди.

(Давоми 2-бетда)

МАЪНАВИЯТЛИ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Юксак маънавият ва юқори интеллектуал салоҳиятли ёшлар — келажак пойдевори» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ҳуқуқшунос олимлар, иқтисодчилар, экспертлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари А.Қирғизбоев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар ёшлар истиқболли йўлида доимий ғамхўрлик кўрсатиш, уларга замонавий касб-хунар ўргатиш, маънавиятини юксалтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган бир қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, ижтимоий дастурлар навқирон авлод ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг манфаатларини аниқ, манзилли ҳимоялаш имконини бермоқда. Юртимизда энг замонавий ўқув ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозланган мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, илмий марказлар ёшларга жохон андозалари даражасида билим бериш, уларнинг ўзи қизиққан соҳа бўйича касб-хунар эгаллаши, илм-фан, инновацион технологияларнинг илғор йўналишлари бўйича изланишлар олиб боришига хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»-ги Қарори мамлакатимиз ёшларининг манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу борадаги амалий чора-тадбирларни замон руҳига ҳамоханг тарзда йўлга қўйишда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур ҳужжатда йигит-қизларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Олий ҳужалик судлари фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни билан атрофлиқа таништириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

— Мазкур анжуманда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, банк-молия тизимидаги ислохотлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга таянишини теран англаб етдик, — дейди Тошкент молия институтининг 1-курс талабаси Гўзал Ёқубова. — Бу борадаги миллий қонунчилигимиз Ватанимизни янада равнақ топтириш, ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол шахс бўлиб вояга етишига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида атрофлиқа сўз юритилди. Ёшларнинг қонун ижодкорлигига оид саволларига депутатлар батафсил жавоб қайтарди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда вилоятдаги босма оммавий ахборот воситалари муҳаррирлари, давлат ва жамоат ташкилотлари матбуот хизмати раҳбарлари иштирок этди.

● Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида битирув маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, ҳарбийлар, битирувчиларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида сержантлар таркибини тайёрлашнинг бутунлай янги тизими жорий этилгани юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

● Бухорода ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа ғолиблик учун баҳсладди.

● «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси Хоразм вилояти филиалида «Ижтимоий заиф оилалар учун мустаҳкам ижтимоий тармоқ ўрнатиш» лойиҳаси доирасида оилавий маслаҳат маркази иш бошлади.

ЖАҲОНДА

● Канада полицияси бундан ўн олти йил муқаддам Монреал шаҳрида ўғирланган, машҳур уста Страдивари томонидан тайёрланган ноёб скрипкани излаб топишга муваффақ бўлди.

● Жорий йилнинг биринчи чорагида Европада автомобиллар савдоси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,4 фоизга ошганлиги қайд этилди. Бунда Италия, Франция, Буюк Британия ҳамда Испаниянинг сезиларли улуши бор. Энг кўп маҳсулот сотган компаниялар рўйхатида дастлабки ўринларни «Ford» ҳамда «Renault» компаниялари эгаллади.

● Венесуэланинг Лара ва Яракуй штатлари ўртасидаги йўлда ҳаракатланаётган автобус йўловчиларини тунаш мақсадида жиноятчиларнинг ҳужум уюштириши натижасида етти киши ҳалок бўлди. Гап шундаки, жиноятчилар автобус салонининг ўзидан отишма бошлаганларида ҳайдовчи оғир яраланди ва автобус йўл чеккасида чиқиб кетган.

Қарор ва ижро

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Т.Орипов, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Илмий инновация маркази директори вазифасини бажарувчи Х.Мамарасулов, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси инновация маркази директори А.Дадахўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида туپроқ унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори иқтисодиётнинг барча соҳаларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз катта илмий ва технологик салоҳиятга эга бўлиб, ундан самарали фойдаланиш иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг

муҳим омилларидандир. Жумладан, инновацияларнинг кенг татбиқ этилиши туфайли аграр секторнинг барча тармоқларида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

— Ҳосилдорлиқни оширишнинг энг истиқболли йўли геномика ва янги биотехнологияларга асосланган инновацион технологияларни қўллашдан иборат, — дейди Геномика ва биоинформатика маркази директори ўринбосари З.Бўриев. — Шу мақсадда гўза геномини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар натижасида дунёда биринчи марта гўза учун ген-нокаут технологияси яратилиб, унинг асосида гўзанинг серҳосил, эртапишар, толеси узун ҳамда илдиз системаси ривожланган навлари ишлаб чиқилди.

Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтинида гўзанинг шўрланиш ва қурғоқчиликка чидамли навларини яратиш, қишлоқ ҳўжалигига кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. 2013 йилда маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган «Меҳнат», «АН-16», «Бешқахрамон», «Гулбахор-2» каби навлар экилган майдонлар кенгайтирилди.

Айни кунда истиқболли навлардан «Келажак», «АН-419», «ЎЗФА-705», «ЎЗФА-709», «Нарпай», «Миришкор» навлари бирламчи элита уруғчилик ҳўжаликларида кўпайтирилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистонда кўмир қазиб олиш сано-

атининг ривожланиш тенденциялари ва олдиндаги истиқбол режалари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Мактаб ва мак-

табгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизими: ҳолати ва истиқболлари» мавзусида видео-конференция ўтказилди.

✓ **БУГУН** Яққасарой туманидаги 172-мактабда Мудофаага

кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яққасарой ўқув СТК унитар корхонаси томонидан касб-хунар коллежи ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида «Ёзги биатлон» спорт тадбири ташкил этилди.

Ёшлар ижод саройида «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида шахримизда фаолият олиб бораётган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва инновация ғояларининг анъанавий кўргазмаси бўлиб ўтди.



БАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШАЁТГАН ЁШЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган, кўтаринки руҳда ўтган кўргазмада пойтахтда фаолият олиб бораётган 120 дан ортиқ ёш тадбиркор ва хунармандлар, инновацион ғоялар ва ишланмалар муаллифлари, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, тижорат тузилмалари вакиллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ёш тадбиркорлар иштирок этди. Бу эса ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда тижорат банклари ҳам ўз фаолиятларида оид кўргазмалари билан қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган кўргазмада ташкил этишдан асосий мақсад ёшларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга бўлган эътиборни кучайтириш, ёш тадбиркорлар меҳнатини кенг тарғиб қилиш ҳамда уларда яратувчанлик, ташаббускорлик ва ижодкорлик фазилатларини янада ривожлантириш, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шахсий бизнесларини йўлга қўйишга қўмаклашишдан иборатдир.

— Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири кичик бизнесга ёшлар орасида ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар сони ортиб бормоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси Азиз Тулганов. — Бу йўналишда «Камолот» ЕИХнинг тадбиркорликка оид лойиҳалари ёш тадбиркорларнинг сафини янада кенгайтиришга замин яратди, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар йили Ҳаракат томонидан ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ёш тадбиркорлар фаолиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг имтиёзли кредитлар олишида қўмаклашиш мақсадида «Ёш тадбиркор — юртга маддадор», «Менинг бизнес ғоям» каби танловларнинг ўтказилиши фикримиз далилидир.

Кўргазмага ташриф буюрганлар миллий хунармандчилик асосида яратилган буюмлар, заргарлик намуналари, ёғоч ўймакорлиги, болалар ўйинчоқлари, чинни, парфю-

мерия маҳсулотлари ва бошқа қўллаб ижод намуналари билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Байрам, тўй дастурхонларининг ўзига хос тарзда безатилишида қарвинг санъатининг ўрни катта. Бугунги кунда қарвинг санъати кўпчилик, айниқса ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазмада қарвинг санъати бўйича ташкил этилган маҳорат дарслари йиғилганларнинг эътиборини тортиди.

— Ўқув марказимиз 2001 йилдан буён Ватанимиз тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда, — дейди «Ифбатли келин» нодавлат таълим муассасаси ўқув марказининг раҳбар ўринбосари Барно Каримова. — Жамиятга, оилага керак бўладиган хунарларни ўрганаётган қизларимиз, уй бекаларимизнинг сафи кундан кунга ортиб бораётгани қувонарлиқдир. Марказимиз раҳбари Солиха Нигматова ташаббуслари билан барча ёшлар бахтли, мустаҳкам оила соҳиби бўлиб «Мустаҳкам оила йили»да янги Оила психологияси, «Соғлом бола йили»да эса Соғломлаштириш курсларини ташкил этдик. Мазкур курсларда тахсил олувчилар 1-ой давомида бепул ўқитиладди. Турли хил кўргазмаларда мунтазам равишда қатнашиб келамиз. Ёшларимизнинг ижодкорлиги, миллий хунармандчилигимиз сирларини пухта ўрганиб, ўз қобилиятларини намойён этаётганлари эътиборга лойиқдир. Бундай кўргазмаларда турли йўналишлардаги ўқув курсларида тахсил олувчи қизларимизнинг асарларидан намуналар намойиш этилмоқда. Ташриф буюрган ёшларимизда хунар эгаллашга бўлган иштиёқни кўриб қувондим.

— Юртимизда ёш тадбиркорлар учун талай имкониятлар яратилмоқда, — дейди «Guljahan Baraka» оилавий корхона раҳбар ўринбосари Қамарбек Жўраев. — Мазкур кўргазмада тол, тут дарахтидан тайёрланган уй-ўрғорда ишлатиладиган турли хил кўринишдаги сават маҳсулотларимиз билан қатнашмоқдамиз. Бундан ташқари тўй-ҳашамларда нон, пардоз буюмлари учун мўлжалланган саватлар, сарпо сандиқлари тақдим этилмоқда. Бугунги кунга 15 та мамлакатга маҳсулотларимиз экспортини йўлга қўйдик. Кўргазмага ташриф буюрувчилар орасида ушбу хунар сир-асорларини ўрганишга бўлган ёшларимиз ҳам учрамоқда.

Кўргазмани айланиб эканмиз, Тошкент Архитектура-қурилиш институти талабаларининг турли хил ишланмалари эътиборимизни тортиди. Пойтахт халқаро офис маркази, Тош-

кент халқаро аэропорти, Тошкент шаҳри учун маданият ва маърифат маркази лойиҳаларининг стендлари, энергия тежамкор технология асосида газ-нефть қувурларини занглашдан химояловчи битум-полимерли плёнкаларни ишлаб чиқариш ва бошқа қўллаб лойиҳалар билан танишиб, мазкур кўргазма ёшларнинг ютуқларини омалаштириш, ташаббускорлиги, бунёдкорлик ҳамда ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилишини ҳис этдик.

— Мазкур кўргазмада 500 ўринли замонавий автотураргоҳ лойиҳасига ишланган макет билан қатнашмоқдамиз, — дейди Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг 3-босқич талабаси Жаҳонгирбек Хотамхонов. — Лойиҳа автотомобиллар катнови қўп бўлганда жойини тежаш мақсадида фойдаланишга мўлжалланган. 5 қаватли автотураргоҳ лойиҳасида миллийликка катта эътибор қаратилган. Макет безакларида миллий нақшларимиздан фойдаланилган. Бундай кўринишдаги ишланмаларимиз йиғилганларда қизиқиш уйғотмоқда.

Тадбирда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

Ёшларда катта қизиқиш уйғотган кўргазма доирасида «Ипотекабанк» ОАТБ томонидан «Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшлар учун кредит олиш имкониятлари ва талаблари», Тошкент шаҳар Солиқ бош бошқармаси томонидан «Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун яратилган солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиблари» ва бошқа мавзулар бўйича ўқув-семинарлари уюштирилди.

Кўргазма давомида шахримиздаги биринчи ва иккинчи Муруват уйлари тарбияланувчиларига ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар совға сифатида тарқатилиб, улар қалбига қувонч бағишланди. Шунингдек, кўргазмада ташкилотчилар томонидан фаол иштирок этган ёш тадбиркорларга эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур кўргазма ҳудудий ривожланишга, йирик ва кичик корхоналар ўзаро ҳамкорлигининг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишига, ёш тадбиркорлар ҳамда хунармандларнинг фаолиятини ривожлантиришга замин яратиши, шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исmoilов олган суратлар

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юқори сифатли маҳаллий бугдой навлари аниқланиб, уларни кўпайтириш ишлари олиб боришмоқда. Бунда бугдой уннини биологик фортификация қилиш, яъни инсон саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларни таркибиди кўпроқ йиға оладиган бугдой навларини топиш ва амалиётга жорий этиш чоралари қўрилмоқда.

Фанлар академиясининг Микробиология институтида экологик тоза, хавфсиз ва самарали ўғит олиш технологиялари яратилмоқда. Ҳозир бешта биопрепарат давлат кимё комиссиясида рўйхатга олиниб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун рухсат этилган.

Мисол учун, «Ер малҳами» атмосферадаги азотни ўзлаштириш ва уни енгилроқ шаклга айлантириш қобилиятига эга экологик тоза биологик ўғит бўлса, «Микроўстиргич» экинларнинг ривожланиши, ҳосилдорлигини оширувчи, бактериялар ва замбуруғли патогенлардан химоя қиладиган, антибиотик, азот тўпловчи физиологик фаол микроорганизмлардан ташкил топган экологик тоза биоўғитдир.

Тадбирда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кенгайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, янги инновацион ишланмаларни соҳага жорий этиш борасидаги ишлар хусусида сўз юритилди. Журналистларнинг саволларига соҳа мутахассислари жавоб берди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, бугунги кунда сайёрамизда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қўллаб турлари йўқолиш арафасида. Бу биохилма-хилликнинг камайишига, экотизимлар барқарорлиги ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Ушбу экологик муаммолардан аҳолининг хабардорлик даражасини янада ошириш ва уларни бартараф этишда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида 22 май бутун дунёда биологик хилма-хилликни асраш кўни сифатида кенг нишонланади.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Глобал экологик ҳам-гарманинг кичик грантлар дастури билан ҳамкорликда ушбу санага бағишлаб ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбирда депутатлар, тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, эколог мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари К.Содиқов, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари С.Приснер ва бошқалар Ўзбекистонда биологик ресурсларни муҳофазалашга оид дастурлар, миллий ва халқаро лойиҳалар доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар барқарор ривожланишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мамлакатимиз бой табиати ва ноёб биологик ресурслари билан дунёнинг бошқа минтақаларидан алоҳида ажралиб туради. Юртимизда тўрт минг саккиз юздан ортиқ турда ўсимлик, қарийб ўн олти мингга яқин ҳайвонот турини учратиш мумкин. Уларнинг муайян қисми камёб бўлиб, фақат бизнинг минтақамизда мавжуддир.

Ушбу ноёб табиий бойликларни асраб-авайлаш, йўқолиб бораётган турларни кўпайтириш, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш, табиатга инсон омили салбий таъсирининг олдини олиш юртимизда амалга оширилаётган экологик ислохотларнинг муҳим йўналишига айланган.

Мамлакатимизда саккизта давлат қўриқхонаси, битта биосфера резервати, иккита миллий боғ, ўн иккита давлат буюртмаохонаси, ҳайвонларнинг ноёб турларини кўпайтиришга ихтисослашган «Жайрон» экомаркази ташкил этилган. Камёб флора ва фауна турларини асраш, экологик тизимлар барқарорлигини сақлашга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш лойиҳалари ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Олимларимизнинг ана шу йўналишдаги изланишлари натижасида илгари фанга маълум бўлмаган қўллаб-қувватлаш турлари аниқланиб, муҳофазага олинди. Ҳайвонот дунёсини муҳофазалаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида сайёқ, жайрон каби ноёб жониворлар камайиб кетишининг олди олишмоқда.

Юртимизда биологик хилма-хилликни муҳофазалашга оид халқаро конвенциялар талабларини амалга ошириш юзасидан ҳам қўллаб-қувватлаш лойиҳалари бажаришмоқда. Нефть-газ тармоғига биохилма-хиллик тамойилларини жорий этиш, ўрмонлар, яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш, ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини кўпайтириш, экологик таълимни ривожлантириш, сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофазалашга йўналтирилган ишлар бунга мисолдир.

Семинарда биохилма-хилликни асрашга оид Ўзбекистон тажрибаси, бу йўналишда ҳаётга татбиқ этилаётган ҳамкорлик лойиҳалари, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тизимини ривожлантириш, иқлим ўзгаришига мослашиш, экотизимлар барқарорлигини мустаҳкамлашга оид илмий ва амалий дастурлар натижалари ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

(ЎЗА)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Йилнинг энг яхши китоби» республика кўрик-танловини ўтказиш яхши анъанага айланган. Нашриётлар ўртасида «Ижтимоий-сиёсий адабиёт», «Ватан тарихи», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Болалар ва ўсмирлар адабиёти», «Арт-китоб» номинациялари бўйича ўтказилаётган тадбирлар ноширлик иши ривожига муҳим омили бўлаётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги «2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори соҳа ривожига муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Китоб савдосини ташкил этиш, янги адабиётларни аҳолига ўз вақтида етказиб бериш бу борадаги ишларнинг узвий қисмидир. Бу йўналишда «Ўздавкитоб-савдотамоти»нинг, «Шарқ зиёкори» каби савдо ташкилотлари аҳолига кенг қўламада хизмат кўрсатаётди.

«Шарқ зиёкори» масъулияти чекланган жамиятининг пойтахтимиз ва барча вилоят марказларида ташкил этилган савдо мажмуаларида мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган тўрт мингдан ортиқ номдаги адабиётлар савдога қўйилган. Савдо ҳажми ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йили уч миллиард сўмликдан зиёд китоб сотилган. Аҳолининг китоб ўқишга бўлган эҳтиёжи тобора юқалиб бораётгани китоб дўконларини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан оливи китоб ўқиш анъаналарини тарғиб қилиш мақсадида боққа ташриф буюрганларга «Бо-

лаларда китоб ўқишга меҳр уйғотишда ота-оналарга маслаҳатлар» номли флайерлар тақдим этилди. «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзусидаги ижтимоий сўровнома ёшларнинг қизиқиш ва интилишини инобатга олган ҳолда реал ҳаётни акс эттирган, уларни мустақил фикрлаш, ҳаётини позицияларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, касбга йўналтириш, иқтисодини намойён этишга чорлайдиган асарларга эҳтиёж борлигини кўрсатди.

— Таълим ва тарбияни ўзида муҳасам этган китобхонлик инсонларнинг билимини юксалтиришга,

КИТОБ — МАНГУ ҲАМРОХ

маънавий камолотида хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид. — Президентимиз Ислом Каримов «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асоси эканини алоҳида таъкидлади. Демак, китобхонлик анъаналарини янада ривожлантириш, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини юксалтириш ўта муҳим вазифа.

Экспозицияга қўйилган «Аловуддин ва унинг чироғи», «Хунук ўрдакча», «Оппогой ва етти миттивой» каби рангли суратлар билан бе-

залган китоблар эътибор тортади. Ушбу китоблар «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан «Инглиз тилини ўрганамиз» рукни остида умумтаълим мактабларининг биринчи ва иккинчи синфлари учун қўшимча адабиёт тарзида чоп этилган.

— Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқиб, ўтган йили болалар учун бир туркум адабиётлар нашр этдик, — дейди ЎЗА муҳбирига «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти директори ўринбосари Хулқар Алмиҳамедова. — Бу китоблар жаҳонга машҳур эртақлардир. Уларнинг ҳар бир саҳифасида инглиз, ўзбек, рус тилларида эртақнинг қисқартирилган шакли баён этилган ва сюжетта монанд ишланган ажойиб расмлар берилган.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ижодий уршувлари, «Китобдан яхши дўст бўлмас», «Одамийлик китобга бўлган эҳтиромдан бошланади», «Китоб — энг яхши совға» каби мавзулардаги интеллектуал викториналарда каттаю кичик фаол иштирок этди.

Байрамда китоб графикаси ва миниатюра жанрида ижод қилаётган ёш рассомларнинг ижодий кўргазмалари уюштирилиб, «Намунавий китоб дўкони» республика кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

Боғ саҳнасида таниқли санъаткорлар, ёш ижрочиларнинг чиқишлари намойиш этилди, ижодкорлар ўртасида мушоиралар ўтказилди.

Дилшод КАРИМОВ


Шу кунларда спорт жамоатчилиги ва бадий гимнастика мухлисларининг эътибори пойтахтимизга қаратилган. Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Нарру Сагавап» халқаро турнири яна энг кучли гимнастикчиларни мусобақага чорламоқда.

Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослашган олимпия заҳиралари спорт мактабидида мазкур нуфузли мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Байрамона безатилган муҳташам спорт саройи меҳмонлар, спортчилар ва мухлис-лар билан гавжум. Чорлов садолари остида майдонга жаҳон кубоги босқичи ва «Нарру Сагавап» халқаро турнири иштирокчилари – Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Чехия, Латвия, ЖАР, Малайзия, Мексика, Россия, Озарбойжон, Арманистон, Беларусь, Вьетнам, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон терма жамоалари кириб келди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти М.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўғил-қизларимизни жисмонан соғлом, кучли ирода ва юксак интеллектуал салоҳиятга эга инсонлар этиб тарбиялашнинг бош омили бўлган болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айлانганини таъкидлади. Бу жараёнда спортнинг қизларга хос турлари, айниқса, бадий гимнастикани янада омдалаштириш, малакали мураббийларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Тадбирлар

ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАН ОЙЛИГИ САМАРАЛИ ҲТДИ

Унда эндигона хорижий тилни ўрганишни бошлаган 1-синф ўқувчиларининг ҳам иштирок этгани тадбирнинг ўзига хос жиҳати бўлди. Барчага яхши таниш бўлган кинофильм ва эртақлардан олинган лавҳаларнинг хорижий тилда намоиши этилиши, инглиз халқ кўшиқларининг ўқувчилар томонидан ижро этилгани кечага ўзгача руҳ бахш этди. Ташриф буюрганлар эътиборига ҳавола этилган саҳна кўрсатишлари ўртасидаги танаффусларда гиёҳвандлик, кашандалик каби иллатларнинг мудҳиш оқибатлари қизиқarli ижтимоий рекламалар орқали танқид қилинди. Шунингдек, тадбир давомида мактаб ўқувчиларининг йил давомида хорижий тилни қанчалик ўзлаштирилганлигини синхас мақсадида турли викториналар ҳам ўтказилди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ушбу мактабда ҳам инглиз тили фанининг ўзлаштирилишини яхшилаш, ўқувчиларга хорижий тилларни ўрганишга қизиқиш уйғотиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оши-

Кеча пойтахтимиздаги 310-сонли аниқ фанларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактабидида инглиз тили фан ойлиги якунларига бағишланган илмий-амалий тадбир бўлиб ўтди.

рилмоқда. Жумладан, инглиз тили фан ойлиги доирасида кўплаб танлов ва кўриқлар, бадий кеча ва очик дарслар ўтказилди. «Seasons» (Фасллар), «Holidays» (Байрамлар), «Let's play» (Келинг, ўйнайлик) мавзусидаги очик дарслар, «Who wants to be millionaire?» (Ким миллионер бўлмоқчи?), «Инглиз тилини қанчалик биламиз?» танловлари шулар жумласидандир. Биргина «Инглиз ўртоғимга мактуб» танловининг ўзига ўқувчилар томонидан йўлланган 60 та хат тўпланди. Шунингдек, энг яхши деворий газеталар танловида мактабнинг барча синфлари фаол иштирок этди.

— Ҳозирда инглиз тилини мукамал даражада билувчи ёшларни жамиятимиз учун етиштириб бериш – бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир, — дейди мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Наргиза Хонбобоева. — Шундай экан, биз ҳар кунги

дарсларимизга, айниқса 1-синфлардаги машгулотларимизга алоҳида тайёргарлик кўрамиз. Табиийки, 6-7 ёшлардаги болаларга бутунлай нотаниш хорижий тилни ўқитиш қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам турли интерфаол методлар, ҳаракатли ўйинлар, расмлар, тарқатма материаллар, кўшиқларни эшиттириш орқали болалар эътиборини дарсга қаратишга ҳаракат қиламиз. Мактабимизда фаолият олиб бораётган «Ёш тилшунослар», «Кизиқarli инглиз тили», «Бу кизик» тўғараклари тилнинг янада яхшироқ ўзлаштирилишига туртки бўлмоқда.

Табиийки, бу каби фан ойлари кўшиқларининг ўқитилиши ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўзлаштириш даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Моҳларойим ҚАЙУМОВА,
ЎзДЖТУ халқовро
журналистика
факультети талабаси

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ўзбекистон ИИБ академиясида «Очиқ эшиклар кунини» тадбири ўтказилди.

Унда академиянинг ўқитувчилари, Тошкент юридик коллежининг битирувчи ўқувчилари ҳамда ота-оналар иштирок этди. Тадбир катнашчилари бўлиши ёшлар ИИБ академияси фаолияти билан яқиндан танишишди. Академия ўқитувчилари ёшларга ушбу илм масканда курсантларнинг билим олишлари учун амалга оширилаётган ишлар ва яратилган шароитлар ҳақида батафсил

Бадий гимнастика

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Пойтахтимиз Тошкентда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Нарру Сагавап» халқаро турнири бошланди

Бадий гимнастика бўйича ҳудудий федерациялар ва марказлар ташкил этилгани туфайли спортнинг ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда бадий гимнастиканинг жадал омдалашаётгани қизларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етишига хизмат қилиши билан бирга, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ўзбекистонда кўплаб соҳалар сингари спортни, жумладан, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётди, — дейди Халқаро гимнастика федерацияси вакили Ноҳа Абу Шабана. — Буни Тошкент шаҳрида бадий гимнастика бўйича нуфузли халқаро мусобақалар мунтазам равишда ўтказилаётгани, Ўзбекистонда барча спорт анжуманларини юксак савияда ташкил этиш бўйича катта тажриба тўпланганида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳри бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичлари, 2010 ва 2013 йилларда Осиё чемпионати, жорий йилнинг апрель ойида спорт гимнастикаси бўйича қитъа чемпионати мезбонлик қилгани ҳам Ўзбекистонда спортни ри-

вожлантиришда эришилган салмоқли натижалар тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган тайёргарлик дастурига кўра, гимнастика ҳам мамлакатимизда етакчи спорт турлари қаторидан жой олди. Гимнастиканинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган турлари – бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамплин бўйича ўтказиладиган мусобақаларда катнашаётган спортчиларимиз кўрсаткичларини тобора яхшилаш, олимпия йўлланмаларини кўлга киритиш ҳамда Бразилияда бўладиган Олимпиада совриндорлари қаторидан ўрин олиш учун астойдил бел боғлашган.

Жорий йилги спорт мавсумида ўзбекистонлик бадий гимнастикчилар нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Жумладан, Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтган бадий гимнастика бўйича қизлар ўртасидаги XIII Осиё чемпионатида гимнастикчиларимиз муваффақиятли қатнашиб, 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларига йўлланма олди.

Ёш гимнастикчиларимиз АҚШ, Эстония ва Россияда ўтган турнирларда ғолиб ва совриндор бўлди.

Тошкент шаҳрида бошланган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичида дунёнинг энг кучли 80 нафарга яқин гимнастикачиси, «Нарру Сагавап» халқаро турнирида 40 нафардан зиёд ўсмир қизлар шахсий ва гуруҳ баҳсларида аргамчи, халқа, тўп, булава, тасмада машқ бажариш ҳамда кўпкураш бўйича ўз истеъдод ва маҳоратини намоиш этмоқда.

— Тошкентда ўтаётган нуфузли мусобақаларда катнашаётганимиздан хурсандимиз, — дейди Ҳиндистон терма жамоаси мураббийи Бабра Жасбир Каур. — Ўзбекистон бадий гимнастика мактаби ўзининг бой анъаналари ва номдор вакилларига эга. Юртингизда бадий гимнастика билан шуғулланиш учун яратилган шароит ва имкониятларга ҳавас қилса арзийди.

Мазкур нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини Жамила Раҳматова, Елизавета Назаренкова, Анара Давлатова, Нилуфар Шомуродова ва Жасмин Юсупова сингари гимнастикчиларимиз ҳимоя қилмоқда.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида катта концерт намоиши этилди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига бинаоан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратта олинган «Сариқ девни миниб» («Сехрли қалпоқча-2») бадий фильмининг оммавий ахборот восита вакиллари учун премьераси олди намоиши ва фильм ижодкорлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Санъат

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асари асосида тасвирга олинган янги кинолента «Сехрли қалпоқча» бадий фильмининг давомидир. Фильмда бош қаҳрамон Ҳошимжон ва унинг дўстларининг ёзги таътил вақтида рўй берган қизиқarli саргузаштлари моҳирона тарзда ҳикоя қилинади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида суратта олинган фильмининг сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёри Сарвар Каримов, постановкачи оператор Иззатилла Лутфуллаев, постановкачи расм Акмал Саидов, композитор Жалолиддин Сайфуллаев бўлиб, ролларни Бунёд Раҳматуллаев, Шоҳрух Асадуллаев, Мухаммадасо Абдулхайров, Фотиما Режаметова, Тохир Саидов, Дилбар Икромов ва бошқалар ўзига хос услубда ижро этишганлиги картинада намоён бўлган.

Фильм қаҳрамони Ҳошимжонни буюиси қаттиққўл Данақ табибга шоғирдликка беради. Болақайнинг сохта табиби билан ўтган вақтда юз берган қизиқarli воқеалар тасвири давомида Ҳошимжон томонидан унинг табиб эмас ёлгончи, гиёҳванд моддалар тарқатувчи фарибгар экан-

лиги фош қилинади. Бундан ташқари ёш қаҳрамон дўстининг қишлоқда кутубхона ташкил этишига ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки картинани суратта олиш жараёнида замонавий компьютер технологиялари, турли ўзига хос услублардан фойдаланилгани жажжи томошабин билан бирга катта ёшдаги киномухлисларнинг ҳам эътиборини тортади.

— Ҳошимжон ҳаётда менга қарама-қарши образдир, — дейди бош қаҳрамон роли ижрочиси, Ҳамза туманидаги 166-умумтаълим мактаби ўқувчиси Бунёд Раҳматуллаев. — Сабаби, у билим олишга қизиқмайди, ўйинқарок, ўқимасдан туриб касб эгаси бўлишни хоҳлайди. Фильм орқали тенгдошларимга кўпроқ китоб ўқи, билимларини янада бойитишга, дўстларга ёрдам беришга ҳаракат қилиш лозимлигини айтмоқчиман.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, болаларга манзур бўладиган саҳналарнинг асосий гоёси инсонларга яхшилик қилишга қаратилган.

Фильм намоишидан сўнг ижодкорлар ОАВ вакилларининг саволларига жавоб беришди, фильмининг суратта олиниш жараёни ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди.

Зарина РУСТАМОВА

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

ҳар шанба — тозалик кунин
ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

Кўргазмалар

ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ НАМОЙИШИ

Буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирий таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Қағон қурбонлари хотираси» музейи ва «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида Тошкент Фотосуратлар уйида «Абдулла Қодирий Тошкент» мавзусидаги фото ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Маълумки, Абдулла Қодирий XIX асрнинг охиридан XX асрнинг 30-йилларига қадар Ўрта Осиёнинг йирик маданий-маърифий марказларидан бири Тошкентда яшаб ижод этган. Адиб ижодининг шаклланишида Тошкентдаги адабий-маданий муҳит муҳим роль ўйнади. Кўргазмада эски Тошкентнинг айрим томонлари, адиб ҳаёти ва ижоди, руҳий ҳолати акс этган фотосуратлардан намуналар ўрин олган. Кўргазмада Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев, К.Бехзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг «Устоз-шоғирд» тизимида ишланган буюк адиб ҳаёти ва фаолияти, ижодига оид тасвирий санъат асарлари, асарларига ишланган иллюстрациялар намоишга қўйилган.

Тадбирда ташкил қилинган давра суҳбатида Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев, «Қағон қурбонлари хотираси» музейи директори Бахтиёр Ҳасанов, адабиётшунос олимлар Наим Каримов, Иброҳим Ғофуров, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир адиб ҳаёти ва ижодига оид ўз фикрларини билдирдилар.

Кўргазма жорий йилнинг 31 майгача давом этади. **Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

МАҲОРАТГА БОЙ ИЖОДКОР

Ҳайкалтарошлик тасвирий санъатнинг энг нозик ва шу билан бирга мураккаб жараёнларидан бирики, унда борлиқни тўлақонли акс эттиришда ижодкорнинг бутун вужудидаги ҳис-ҳаяжонлари, армонлари, дард-аламлари, гўзалликларини ўзида жамлаб, сониядаги пластик ечимда ҳал қилиниши керак. Ана шундай мураккаб ва завқли санъатнинг серкирра ижодкорларидан бири Туркман Эсановдир.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида самарқандлик иқтидорли ҳайкалтарош Т. Эсановнинг «Мунажжим» номи шахсий кўргазмаси очилди.

Қаҳрамонимизнинг ҳайкалтарошлик асарларидан портрет, маиший ва тарихий жанрлар кузатилиб, ўзига хос чизги ва кайфиятга яратилган манзаралар намоён бўлади. У синчков ва кузатувчан бўлиб, халқ қалбини, инсонлардаги руҳий ҳолатларни, нидоли туйғуларнинг нозик паллаларини илғаб ўзининг ҳайкалтарошлик ижоди орқали тошларга, мармар, бронза кабиларга сингдириб жонлантиради.

Кўргазмада Туркманнинг яратган ижодий асарлари орқали тарихни севувчи, кадрловчи ва унинг ҳар бир бўлагини қалбда жонлантирувчи моҳир ҳайкалтарош эканлигини кузатишнингиз мумкин. Ҳайкалтарошнинг экспозициядан жой олган «Қумтепа», «Сухбат», «Йўл ҳаёли», «Илтижо», «Қайғу» асарларида қиёфалардаги ички характер яққол акс эттирилган.

Самарқанд Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланиб, унда қадимда қарвонсаройлар мавжуд бўлган. Рассомнинг ижодида қарвон билан боғлиқ туркум асарлар яратилган бўлиб, унда Ўрта Осиёга хос тасвир ифодаланган. Масалан «Қарвончи», «Уч қарвон» каби асарларида шарққа хос бўлган маданият нафаси уфуриб турганини кўриш мумкин.

Ҳайкалтарош Ўзбекистонда ташкил этилган бир қатор кўргазмалар иштирокчиси. Шунингдек, Россия, Латвия, Туркменистон, Бельгия, Дания, Германия, Мўғулистон, Ҳиндистон, Хитой каби чет мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда фаол катнашган.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА



Тошкент шаҳрида 24 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинларчи бўлмайди. Шарқ-дан сеқундиза 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 29-31 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24-26 ва 27 май эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолганига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағминдори паст бўлади.

